

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

2014 йил
30 июль
ЧОРШАНБА
№ 61 (12697)

www.th.uz

1928 йил 11 декабрда асос солинган

Ягонасан, муқаддас Ватаним, севги ва садоқатим сенга бахшида, гўзал Ўзбекистоним!

2014 йил – Соғлом бола йили

ФАРЗАНДЛАР ТОЛЕИДАН КЎНГЛИМИЗ ТЎҚ

Мустақиллик йилларида мамлакатимизда спортни ривожлантириш, айниқса, болалар спортини кўллаб-қувватлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Жумладан, кейинги йилларда чекка қишлоқларда ҳам янги-янги спорт иншоотлари фойдаланишга топширилди, мавжудлари қайта реконструкция қилиниб, замон талаблари даражасига келтирилди.

Хукуматимиз томонидан амалга оширилаётган бу хайрли ишларга бир қатор корхона ва ташкилотлар ҳам ҳисса қўшиш истагини билдириб, ўз имкониятлари даражасида болаларни спортга жалб этиш, моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш борасида намунали ишларни амалга оширмоқдалар.

Бундан бир неча йил муқаддам Келес шаҳридаги футбол ўйингоҳи эътибордан қолиб, қаровсиз ҳолга келган эди. 2011 йилда тумандаги "Нур" хусусий корхонаси жамоаси томонидан майдонни тартибга келтириш, болаларни футболга жалб этиш ва уларни рағбатлантириш тақдирини билдирилди. Хайрли ишни қўллаб-қувватлаган туман раҳбарияти вакиллари футбол майдонини туман халқ таълими бўлими баландидан туман "Болалар ва ўсмирлар спорт мактаби-2" ҳисобига ўтказиб беришди. Уша кезлари машғулотларга бор-йўғи



10-15 нафар ўсмир қатнашарди.

– Болаликдан спортга, хусусан, футболга қизиқиб катта бўлганман, – дейди "Нур" хусусий корхонаси раҳбари Жасур Фуломов. – Бу ерда тайёр майдон бўлатуриб, машғулотларнинг суи даражада олиб борили-

ши мени хайрон қолдирарди. Сабаби, болаларда қизиқиш бўлсаю, муносиб рағбатлантирилмаса, иштиёқ ҳаваслигича қолиб кетаверади. Шулар ҳақида ўйлаб юриб, футболни ривожлантириш фикри туғилди. Тенгдош дўстларим билан маслаҳатлашиб, бо-

лаларни спортга жалб этиш, уларни доимий тарзда қўллаб-қувватлашга келишиб олдик. Очигини айтганим бўлсам, дўстлар билан ойда бир дастурхон атрофида кўришиб турардик. Ана шу ўтиришга кетадиган сарф-харажат пулини ўртага ташлаб,

шундан дастлабки харажатларимиз бошланиб кетди. Майдон тартибга келтирилиб, зарур инвентарлар сотиб олинди. Маҳаллаларда ёшлар ўртасида тарғибот ишлари олиб борилиб, маш-

ғулотларга жалб этилди. Уша йил қизиқувчилар сони 100 нафардан ошган бўлса, 2012 йилга келиб, мунтазам иштирок этувчилар 150 нафарга етди.

(Давоми 4-бетда).

СУРАТДА: ҳомий Жасур Фуломов ёш футболчилар билан мулоқотда. Даврон АҲМАД олган сурат.

Шукрона

КИМ ЭДИГУ, КИМ БЎЛДИК?

Ўтаётган ҳар бир кун бизни, халқимизни Ватанимизнинг шонли тарихидаги улкан воқеа – мустақиллигимизнинг 23 йиллик шодиёналарига тобора яқинлаштирмоқда. Зеро, мустақиллик туғайли асрий орзуларимиз ушалиб, ўзалигимиз қайта тикланди, ҳаётимизнинг мазмун-моҳияти, онгу шууримиз тубдан ўзгарди. Натижада, ўтган тарихан қисқа даврда барча соҳаларда мислсиз ютуқларга эришилди-ки, бу ҳақли равишда жаҳон аҳлининг ҳавасу ҳайратига сабаб бўлмоқда.

Мустақиллигимизнинг ҳар бир йилида мамлакатимизда ижтимоий-иқтисодий, сиёсий соҳаларда эришилган ютуқлар янада мустаҳкамланиб, янгидан-янги марралар забт этилаёпти. Бундай мислсиз ўзгаришларга ўз ҳаётимиз мисолида гувоҳ бўлар эканмиз, беихтиёр ҳаётимиздан кечаги кун манзаралари бирма-бир ўта бошлайди. Уни бугунги дориламон кунлар билан қиёслаганимизда, дилимиздаги тилимизга кўчади: кеча ким эдигу, бугун ким бўлдиқ?

Бизга асосан, пахта хом ашёси етказиб берадиган, пахта яқка ҳоқимлиги ҳалокатли тус олган қоқ инфратузилма "мерос" бўлиб қолганди.

Ахвол шу даражага бориб етгандики, унумдор ерлар ва ажойиб табиий-иқлим шароитига эга Ўзбекистонда аҳоли жон бошига гўшт ва сут маҳсулотлари, галла ва ҳатто, мева-сабзавот, картошка истеъмол қилиш ўша даврдаги иттифоқдош республикаларга қараганда икки баробар камайиб кетган эди.

Яшириб нима қилдик.

(Давоми 2-бетда).

Маънавият

АНДОЗАСИ ЎЗИМИЗГА МОС

Мустақил Ўзбекистон ўз халқи танлаб олган йўл – очик, эркин бозор иқтисодиётига асосланган одил жаҳият, кучли демократик ҳуқуқий давлат қуриш йўлидан босқичма-босқич олга бормоқда. Жаҳон тажрибаси шундан далолат берадики, ўз давлатчилигини кўлга киритиш, миллий ва ижтимоий озодликка эришиш ҳеч қаерда енгил ва осонликча бўлмаган.

Мустақилликка эришган ҳар бир мамлакат ўз тараққиёт йўлини излайди, янги жаҳият барпо этишда ўз андозасини ишлаб чиқишга интилади. Бу ҳақда Президентимиз: "Биз барпо этаётган давлат, аввало умумжаҳон цивилизация-

сига, давлат қурилиши соҳасида тараққиёт этган бошқа халқлар эришган тажрибаларга ва ўзимизга хос миллий анъаналарга, ижтимоий қадриятларга асосланмоқда", дея алоҳида таъкидлаб ўтган эди.

(Давоми 3-бетда).

Корд Майер-Клодт: «ЎЗБЕКИСТОННИ КЎРИШ ОРЗУМИ ҲАҚИҚАТГА АЙЛАНДИ»

Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигида Германия Федератив Республикаси Ташқи ишлар вазирлигининг Шарқий Европа, Кавказ ва Марказий Осиё бўйича вакили Корд Майер-Клодт билан учрашув бўлиб ўтди. Учрашувдан сўнг "Жаҳон" АА мухбири германиялик дипломат билан суҳбатда бўлди.

– Аввало, ГФР ва Ўзбекистон ўртасидаги ҳамкорликни янада ривожлантириш масалала-

ри бўйича сиёсий маслаҳатлашувларни ўтказиш учун бу ерда

(Давоми 2-бетда).

Истиқлол кашф этган сиймолар

Чиноз туманидаги 900 дан зиёд ўғил-қиз таълим олаётган 40-умумтаълим мактаби ўқувчилари туман, вилоят, республика, қолаверса, халқаро

миқёсдаги турли кўрик-танловлар, фан олимпиадаси ва билимлар беллашувида фаол иштирок этиб, фахрли ўринларни эгаллаб келишяпти.

ШОГИРЛАРИДА МЕҲРИ МУЖАССАМ



Айниқса, мактаб ўқувчиларининг тасвирий санъат ҳамда чизмачилик фанига қизиқишлари ва шу йўналиш бўйича кўлга киритган ютуқлари диққатга сазовор. Хусусан, Ф. Каримова, Г. Тўлаганова, Б. Дўсмухамедов, З. Анварова, Л. Тожикулов нуфузли халқаро ҳамда мамлакат беллашувларида голиб ва совриндорлар қаторидан жой олишган.

Бу муваффақиятларнинг узига хос сабаблари бор албатта. Мактабда 40 йиллик бой билим тажрибасига эга бўлган Тойирхон Мансуров тас-

вирий санъат ва чизмачилик фанидан ўқувчиларга янги педагогик технологиялар асосида сабоқ бериб келади. Унинг ҳар бир дарсидан ўқувчилар янгидан-янги маълумотлар олишади. Мактабда тасвирий санъат фанидан ташкил қилинган "Соғлом авлод гунчалари" тўғрисида ҳам доимо ўқувчилар билан гавжум. Бу тўғраракка яна бешта мактабдан хаваскор ўқувчилар қатнайд.

Ўқувчиларини Ватанга муҳаббат, садоқат руҳида тарбиялаб келаётган Т. Мансуров "Чизмачилик фани олимпиадалари",

"Президент асарлари билимдони" ва "Йил ўқитувчиси" танловларида ҳам камлар ҳайъати раиси сифатида ҳам фаоллиги билан ажралиб туради. Унинг касбига садоқати ва ёш авлодга бераётган мазмунли сабоқлари давлатимиз томонидан муносиб баҳолалиб, "Республика халқ таълими аълочиси" нишони, "Меҳнат шухрати" ордени ва "Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси" унвони билан тақдирланди.

Аваз БЕКОВ,
Қобилжон ҒОФУРОВ олган сурат.

«Энг улуг, энг азиз» танловига

БАҲОРЛАР ҲАМ МАҲЛИЁ МАСКАН

Бу ҳудудда мўъжизамас нарсанинг ўзи йўқ. Кўкка бўй чўзган, икки одам кучоғига сиғмайди, 200-250 йил умр кўрган ёнғоқ дейсизми, дарё ўзанини макон тутиб, тошлар орасидан униб чиққан, кумушранг танасию япроқлари оқ қайинни эслатувчи тўқай терак, гуллари айрига ўхшаш оқ чечак дейсизми, баланд қоялардан кўтарилиб, бир неча сония қанот қоқмай учадиган бургут дейсизми – ҳайратингизни оширмай қўймайди.

Нурақотасой, Оқсоқотасой ва Кумушкентсойларнинг қўшилиш жойидан тахминан икки чақирим тепадаги кенг сайхонликдан пастта қарасангиз, қизғиш ранг қирнинг остидан оқиб ўтаётган сувнинг худди Чирчик, Пском дарёларидаги каби кўм-кўк рангда экани, унинг қирдаги тупроқни ювмаётгани, лойқалан-

маётганини кўрасиз. Беихтиёр унинг ёнига боришни истаб қоласиз.

– Оқсоқотанинг суви анави ердан чиқаётган булоқникидан ҳам тоза ва ширин, – дейди ҳамроҳларимиздан бири Олимжон Юсупов 40 қадам наридан чиқиб турган чашмага ишора қилиб. Чашма сувини дарё сувига солиштирсангиз, бун-

га амин бўлибгина қолмай, Чойкол тоғининг бағридан чиқиб, Фазалкент сари ошқаётган дарё суви муздайроқ эканидан ҳайратланасиз. Гўдақнинг кўзёшидек мусаффо сувнинг туман марказига етиб келгунча, лойқаланиб қолишидан ажабланасиз...

Ҳолбуки, бунинг ҳеч қандай сири йўқ. Кумушкентсой, Болдирсой ва сувлари жуда лойқа бўлган бошқа кичик сойларнинг қўшилиши туғайли бошланиш жойида тиник бўлган Оқсоқотасойнинг суви Гиж-жол қишлоғидан сал ўтмай, лойқа тусга кириб қолади.

(Давоми 4-бетда).

Ватанимиз мустақиллигининг 23 йиллигига

ҲАР ИККИ ОИЛАНING БИРИДА ЕНГИЛ АВТОМОБИЛЬ

- Юртимиздаги оилаларнинг 11 фоиздан ортиқ иккитадан енгил автомобилга эга.
- Ўзбекистон автомобиллари 10 дан ортиқ мамлакатга экспорт қилинмоқда.

Жаҳон тарихига назар солсак, эндигина мустақил бўлган давлатларнинг аксарияти учун хос бўлган бир хижат кўзга ташланади – улар фақат бугунги йўлдаги мустақилликни қайтариш вақти келганда галвир сувдан кўтарилди. Миллий иқтисодиёт заифлашгани, ишлаб чиқариш орқада қолгани аён бўлди.

Ўтган асрнинг тўқсонинчи йиллари бошида мустақил бўлган давлатларнинг ҳам кўпчилиги шу йўлдан борди. Катта микродордаги маблағлар ва хориждан олинган кредитлар импорт товарларга, улар билан ички бозорни тўлдиришга сарф

этилди. Аввалига ҳаёт фаровонлашган, мамлакат оёққа тургандек кўринди. Лекин валюта маблағлари камайиб, кредитларни қайтариш вақти келганда галвир сувдан кўтарилди. Миллий иқтисодиёт заифлашгани, ишлаб чиқариш орқада қолгани аён бўлди.

Ўзбекистон бу йўлдан бормади – осон йўللари изламади. Ўзига хос йўлни танлади. Қийин, аммо узоқ истиқболга мўлжалланган вазибаларни ўз олдига қўйди. Ўтиш

даврининг мураккабликлари, молиявий тақчилликларга қарамай маблағларнинг асосий қисми иқтисодиётни модернизация қилиш, саноатни ривожлантиришга йўналтирилди. Тараққиёт топан мамлакатлар, машхур компаниялар билан ҳамкорлик ўрнатилди. Замонавий корхоналар барпо этишга киришилди.

Бугун халқимизнинг миллий ифтихорига, мамлакатимиз иқтисодиётининг етакчи тармоғига айланган Асака шаҳридаги автомобиль заводига ҳам истиқболнинг дастлабки йилларида асос солинди. Президентимиз Ислам Каримовнинг 1992 йил июнь ойида Корея

Республикасига ташрифи асносида эришилган келишувга мувофиқ 1993 йил мартда "ЎЗДАУавто" Ўзбекистон – Жанубий Корея қўшма корхонаси ташкил этилди ва автомобиль заводи қурилиши бошланди.

Уша йиллари бундай улкан заводни қуриш учун нафақат иқтисодий ва илмий-техникавий имкониятлар, айни пайтда катта юрак ҳам керак эди. Чунки мамлакатимиз узоқ йиллар давомида фақат пахта етиштиришга ихтисослашган аграр республика бўлиб келган. Бунга-ка юртимизда оддий велосипед ҳам ишлаб чиқарилмаган. Шу бонис ўша пайтларда "бу завод қури-

лиши охирига етмайди, қурилиб ишга тушсаю, узоққа бормайди" қабилида беписанд гаплар ҳам айтилди, ёзилди. Аммо...

1996 йил 19 июль куни қўшма корхонанинг расмий очилиш маросими бўлди. Унда Президентимиз Ислам Каримов иштирок этди. Шундан буён бу завод барқарор ишламоқда ва изчил ривожланмоқда. Ички ва ташқи бозорда автомобилларимизга талаб йил сайин ортиб бормоқда. Уша пайтларда турли фисқу фасод гап тарқатганлар энди ушбу машиналарда юрибди. Виждони қийналмасмикан (агар у бор бўлса).

(Давоми 2-бетда).

Шукрона

1990 йилда 5 миллион тонна галла четдан олиб келина эди. Мустақиллик арафасида халқимизнинг бор-йўғи ҳафта ўн кунга етарли галла захира қолганини инобатга олсак, Президентимиз таъкидлаганларидек, биз нақадар таҳлика, жар ёқасига келиб қолганимизни тасаввур қилиш қийин эмас.

Шукроналар бўлинки, бугунги кунга келиб мамлакатимиз аграр тармоғи ўз галла мустақиллигига эришиб, республикамиз кишлоқ хўжалиги тарихида илк бор 8 миллион 50 минг тонналик хирмон кўтарилди. Йиллар давомидаги машаққатли меҳнат, бой тажрибани янада тақомиллаштириш эвазига ҳосилдорлик ортиб, эҳтиёжимиздан ташқари галлани хорижга экспорт қилиш имконияти ҳам туғилди.

(Давоми. Боши 1-бетда).

Саноатни ривожлантириш ҳақида-ку гап бўлиши мумкин эмасди. Буни теран тасаввур қилиш учун ўша пайтларда мамлакатимизда етиштирилган қарийб миллионлар тонна пахтанинг атиги 8-10 фоизи

КИМ ЭДИГУ, КИМ БЎЛДИК?

Ўзимизда қайта ишлангани, қолган қисми эса бошқа давлатларга жўнатилиб, асосий фойдаларда қолганини айтиб ўтиш кифоя.

Шу ўринда Президентимиз 1994 йил 22 сентябрда Парламент минбаридан яқин тарихимизга баҳо бериб, бошимиздан ўтган оғир кечинмалар, яъни миллат

қадр-қиммати, шаъни ва ноумуси поймол қилингани, кўна тарихимиз ва муқаддас қадриятларимиз топталгани ҳақида дардли, изтиробли ва қийин, аммо табиий саволларни ўртага ташлаган эдилар:

“Ўзингиз ўйлаб кўринг, мустақил тузум, мустақиллақчилик даврида биз ким эдик? Тақдиримиз, эркимиз кимларнинг қўлида эди? Айтинглар, ўша кезлари Ўзбекистонни дунёда биров танирмиди? Биров биз билан ҳисоблашармиди?”

Дарҳақиқат, яқин тарихда халқимиз ўз бошидан кечирган бундай

азоб-уқубатларни, тақдиримиз жар ёқасида турган машўм кунларни унутишга бизнинг асло ҳаққимиз йўқ.

Минг шукрлар бўлинки, бугунги кунга келиб, Ўзбекистон саноати жадал суръатларда ўсиб,

Шу ўринда ҳақиқат савол туғилади: бундай юксак натижаларга қандай қилиб эришилди? Бу қайси омилларга боғлиқ? Шу ҳақда фикр юритилганда, албатта, давлатимиз раҳбарининг куйидаги сўзлари ёдга тушади: “Ҳақатгина биз танлаган босқичма-босқич, тадрижий ривожланиш йўли халқимиз кўзлаган эзгу ниётларга эришишга, замонавий демократик талабларга жавоб берадиган давлат, инсон манфаатлари, ҳуқуқ ва эркинликлари энг олий қадрият бўлган, қонун устуворлигини таъминлайдиган жамият барпо этишга олиб келиши мукаррар. Буни ҳаётимизнинг ўзи бугун исботлаб бермоқда”.

Даврон ТЕМИРОВ, Халқ депутатлари Бўка туман кенгаши ЎзЛД депутатлик гуруҳи раҳбари.

Корд Майер-Клодт:

«ЎЗБЕКИСТОННИ КЎРИШ ОРЗУМИ ҲАҚИҚАТГА АЙЛАНДИ»

эканлигимдан мамнуният билдиришни истар эдим, — деди у. — Бу мамлакатимизга амалга оширган биринчи ташрифимдир. Юртингизни кўришга бўлган азалий орзум бугун ҳақиқатга айланди. Ўзбекистон Германиянинг Марказий Осиёдаги сиёсий, иқтисодий ва маданий соҳалардаги энг муҳим шериги саналади. Биз икки томонлама муносабатларнинг юқори даражасига эришдик, аммо мамлакатларимиз уларни янада ривожлантириш учун жуда катта салоҳиятларга эгадирлар. Ташрифимдан кўзланган мақсадлардан бири ҳам ушбу салоҳиятни ҳаётга татбиқ этиш масалаларини муҳокама қилишдир.

Маданий-гуманитар соҳадаги алоқалар биз учун алоҳида аҳамиятга эга. Ўзбекистон аҳолисининг катта қисмини ёшлар ташкил этадиган мамлакат ҳисобланади. Ёш авлод дунёда бугун кечаётган ва келажакда содир бўлиши мумкин бўлган воқеалар жараёнларини англаш зарур. Шунинг учун биз немис тилини ўқитиш доирасида ва умуман ушбу йўналишдаги ҳамкорлик бўйича ёрдам кўрсатиш учун барча сайёҳаракатларни амалга оширишга тайёрмиз. Бугун Ўзбекистонда 400 мингдан ортиқ киши немис тилини ўрганган ва бу тилда сўзлашадики, бу бизга мамнуният бағишлайди. Бежизга: “Инглиз тилини ҳамма билиши керак, аммо немис тили биров нарсага эришишни истаганлар учун муҳимдир”, деб айтишмайди.

Хавфсизлик соҳаси ҳамкорлигимизнинг муҳим йўналиши ҳисобланади. 12 йилдан буён давом этиб келаётган узоқ муддатли ва ишончли ҳамкорлик учун ўзбекистонлик шерикларимизга миннатдорлик билдираемиз. Биз бундай алоқаларни келажакда ҳам давом эттиришни ниятдаемиз. Икки томонлама муносабатлар доирасида бу жаҳдан кенгайтиришимиз зарур, деб ҳисоблаймиз. Барчамиз кўриб турганимиздек, дунё соддалишиб бораётгани йўқ, муаммолар эса камайяпти. Ҳозирги вақтда дунёнинг кўпгина давлатларида инкиролар кузатишмоқда. Бу нафақат Европа, балки бошқа минтақаларга ҳам ўз таъсирини кўрсатиши мумкин. Шу сабабли Марказий Осиёда ишончли ва синдовдан ўтган шерикларга эга бўлиш биз учун муҳим аҳамият касб этади.

Сўзимнинг якунида Ўзбекистон халқини мамлакат мустақиллигининг яқинлашиб келаётган 23 йиллик байрами муносабати билан кутлар эканман, сизларга тинчлик, бахт-саодат, фаровонлик ва омад тилайман.

“Ҳаҳон” АА.

(Давоми. Боши 1-бетда).

Қишлоқ мулкдорлари

РЕЖА УДДАЛАНДИ, ҚОЛГАНИ ЎЗИМИЗГА

“Авангард” фермер хўжалиги бугунги кунда Бекобод туманидаги энг илгор хўжаликлардан бири. Давлатга галла топшириш режасини ортиги билан ўдалаган хўжалик аъзолари кўтаринки кайфиятдалар.

Қарийб ўн йил илгари 29,1 гектар майдонда ташкил топган хўжалик ерлари бугунга келиб, жами 62,2 гектарга етди. 29,5 гектар майдонда галланинг серхосил “Саидазиз Элита” нави етиштирилди. Давлат режаси 79,7 тонна бўлиб, хўжалик 31 центнердан ҳосил олиб, жами 89 тонна хирмон уйди. Марказлашган ҳолда ушбу майдонлардаги галла бир кунда ўриб-янчиб бўлинди. Яна 10 гектар майдондаги галла хўжалик аъзоларига ва хайрли мақсадлар учун қолди.

— Меҳнатларимиз муносиб қадрини топди, — дейди хўжалик раҳбари Абдуваҳоб Ҳолирзаев. — Туман ҳокимлиги ташаккурнома йўллаб, рағбатлантирувчи совға билан тақдирлади. Ҳозирда режадан ташқари қолган галлани ходимларимизга меҳнатига яраша улашишни режалаштирганмиз. Қолаверса, аънаамизга мувофиқ, 2-3 тонна



хосилни хайрига мақсадларига ажратганмиз. Хўжалик ишларида асосан отам ва укам Абдуваҳиджон катта ёрдам бериб келишмоқда. Хўжалик 2009 йилда лизинг асосида “ТТЗ-80-11” трактори олган. Шунингдек, “МТЗ-80” трактори ва бошқа зарур техника воситалари бор.

Бундан ташқари, хўжаликнинг 30 гектар майдонига пахтанинг “Ан-Боёвут” ва “R-1” уруғлик навлари етиштирилмоқда. Биринчи суғоришда ҳар гектар майдонга 150 килограммдан фосфорли, сульфат-аммоний ва 50 килограммдан калий, иккинчи суғоришда эса, 400 килограммдан сертра берилди. Шу боис гўза туллари ривож авжида. Шунингдек, қатор ораларига шарбат усулида 3 тоннадан маҳаллий ўғит оқизилди. Суғориш ва агротехника ишларида Маъмур Мамадалиев,

Шокир Тўрақулов, Жаваҳир Ҳамроқулов, Олимжон Иброҳимов, Инъом Шоматовлар жонбозлик кўрсатишди. Хўжаликда тузтор ва 2 минг туп терак парваришланмоқда. Бу йил яна 200 туп мевали дарахт экилди. Хўжалик аъзолари маданий ҳордиқ чиқаришлари учун янги, замонавий дала шийпони қуришни режалаштирилмоқда.

Сайд ҲАСАНОВ, Даврон АҲМАД олган сурат.

Ватанимиз мустақиллигининг 23 йиллигига

ҲАР ИККИ ОИЛАНИНГ БИРИДА ЕНГИЛ АВТОМОБИЛЬ

Халқаро автомобиль бозоридаги кескин рақобат, ҳаҳон молиявий-иқтисодий инкирози шароитида бундай натижаларга эришишнинг ўзи бўлмайди. Бу ишлаб чиқаришни муттасил тақомиллаштириб бориш, автомобиллар дизайни ва сифатини мунтазам яхшилашни тақозо этади.



Ўтган давр мобайнида мамлакатимиз автосаноати ана шу талаблар асосида изчил тараққий этди. Автомобилсозлик корхоналари кўпайиб, маҳсулотлар тури кенгайди. Бугун дунёнинг етакчи компаниялари билан ҳамкорликда ташкил этилган “GM Uzbekistan”, “Sam Auto”, “JY MAN Auto – Uzbekistan”, “General Motors Powertrain Uzbekistan” сингари кўплаб корхоналарда енгил ва юк автомобиллари, автобуслар, махсус машиналар, двигателлар, кенг турдаги бутловчи қисмлар ишлаб чиқарилмоқда.

Мамлакатимиз автомобиллари нафақат маҳаллий, балки хорижий бозорларда ҳам ўз ўрнини топди. Замонавий дизайни ва техник имкониятлари билан истеъмолчилар ишончини қозонди. Бугунги кунда автомобилларимиз ўндан ортиқ мамлакатга экспорт қилинмоқда. “Ўзавтосаноат” акциядорлик компанияси экспорт ҳажмини ва географиясини янада кенгайтириш юзасида доимий иш олиб бормоқда. Хорижий мамлакатларда Ўзбекистон автомобиллари саноатининг 250 дан ортиқ дилери фаолият кўрсатмоқда.

Автомобиль заводининг бунёд этилиши кенг қўламли индустрияни вужудга келтирди. Юртимизнинг турли ҳудудларида ушбу соҳага ихтисослашган ўнлаб замонавий корхоналар пайдо бўлди. Уларда ойна ва ўриндиқлар, салоннинг ички қоплаш қисмлари, лак-бўёқ материаллари, бамперлар, овозсўндиргичлар ва зарбага қарши балкалар, енгил баклари, ташқи еритиш воситалари, жуглар, электр ўтказгичлар, аккумуляторлар, гилдирак дисклари каби енгил автомобилларнинг барча бутловчи қисмлари ишлаб чиқарилмоқда.

Машиналар учун куч агрегатлари ишлаб чиқараётган “General Motors Powertrain Uzbekistan” корхонасининг ташкил қилиниши автомобильсозлигимизни ривожлантиришга янада бошлаб берди. Бундай ноёб ва мураккаб ишлаб чиқариш корхоналари дунёнинг санокли мамлакатидоғина мавжуд. Мазкур заводда 1,5 литр ва 1,2 литр сингидидаги замонавий двигателлар ишлаб чиқарилмоқда.

(Давоми. Боши 1-бетда).

Этиборлиси, буларнинг барчасини мамлакатимиз мутахассислари амалга оширмоқда. Автомобиль заводларида ишчи ва мутахассисларни тайёрлаш, уларнинг билим ва тажрибасини юксалтиришга алоҳида этибор қаратишмоқда. Андижон машинасозлик институти, Фарғона политехника институти, Асака ва Самарқанд автомобилсозлик коллежлари битирувчилари тизимдаги корхоналарда муваффақиятли иш юритмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг 2009 йил 27 апрелдаги қарорига мувофиқ ташкил этилган Тошкент шаҳридаги Турин политехника университети автомобилсозлик соҳаси учун кадрлар тайёрлаш тизимининг муҳим бўғинига айланди. Ушбу таълим муассасасида машинасозлик технологияси, энергетика, архитектура ва қурилиш, саноатда ахборот-коммуникация технологиялари ва автоматлаштирилган бошқарув тизими бўйича малакали мутахассислар тайёрланмоқда. Бу йил ушбу олий ўқув юртининг илк битирувчилари мамлакатимиз автомобилсозлик корхоналарида фаолият бошлади.

Бугунги кунда автомобилсозлик саноатида 18 мингдан ортиқ юртдошимиз меҳнат қилмоқда. “Ўзавтосаноат” акциядорлик компанияси томонидан мамлакатимиздаги икки юздан зиёд корхона билан кооперация алоқалари йўлга қўйилган. Мамлакатимиз автомобилсозлари замон талабларидан келиб чиқиб, автомобилларни тақомиллаштириш, моделлари турини кўпайтириш юзасида мунтазам иш олиб бормоқда. Жорий йилда “GM Uzbekistan” компаниясида яна бир янги автомобиль — “Chevrolet Orlando” оилавий минивэни ишлаб чиқарила бошланди.

“General Motors”нинг энг сўнгги ютуқларини ўзида мужассам этган ушбу автомобиль ажойиб дизайни ва хавфсизлик тизими, юксак техник хусусиятлари билан ажралиб туради. У 141 от кучига эга, 100 километрга ўртача 7,9 литр ёнилги

сарфлайди. Салонининг кенглиги ва шинамлиги, юк ташиш имконияти кенгайтирилгани истеъмолчиларга қулайлик яратди.

Автомобиль аҳолининг узоғини яқин қилади, ҳаёт сифатини оширадиган воситалардан бири. Мустақиллик йилларида халқимиз турмуш даражаси нақадар юксалганини биргина шу жиҳат орқали ҳам англаш, ҳис қилиш мумкин.

Илгари қишлоқларда битта-иккита машина бўлар, кимнингдир шошлинч иши чиқиб қолса, ўшаларниқига чопарди. Шаҳарлар, ҳатто, Тошкент кўчаларида ҳам автомобиллар камёб бўларди.

Бугун энг чекка қишлоқда ҳам юқингиз ерда қолмайди. Ҳар икки уйнинг бирида машина. Баъзи оилаларда иккитадан автомобил бор. Исталган йўналишга таксилар қатнаб турибди. Уйда ўтириб таксига бюортма бераверасиз.

Мамлакатимиз кўчаларида автомобил катнови бир зум тинмайди. Машиналар кўплигидан тирбандликга юзага келмоқда. Тўхташ жойлари етмай, қўпқаттали автотураржойлар барпо этилмоқда.

Аҳолининг юртимизда ишлаб чиқарилган енгил автомобиллар билан таъминланиш даражаси тобора ўсмоқда. Агар 2000 йилда ҳар 100 оилага ўртача 20 та енгил автомобиль тўғри келган бўлса, бугунги кунда бу рақам 41,4 тага етган. Оилаларнинг 11 фоиздан ортиги иккитадан енгил автомобилга эга.

Бу кўрсаткичлар мамлакатимиз жадал ривожланаётгани, халқимиз фаровонлиги охиб бораётганидан далолатдир. Тарихан қисқа даврда, ўз кучимиз, ўз ақлу заковатимиз билан шундай улкан муваффақиятларга эришаётганимиз эртанги кунга ишончимизни мустаҳкамлайди. Фидойи ва меҳнаткаш халқимиз бор экан, мамлакатимиз янада раванг топади, келажак бугундан да саодатли бўлади. Чунки биз танлаган тараққий йўли энг ўғри йўл эканини ҳаётнинг ўзи тасдиқлаб турибди.

Анвар САМАДОВ, ЎЗА шарҳловчиси.

«БУНЁДКОР» ЁШЛАРИ ФАОЛ

“Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати томонидан ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларнинг бўш вақтларини фойдали машғулотлар билан банд этиш, вақтинчалик иш билан таъминлаш ҳамда даромад олиш имконини яратиш мақсадида “Бунёдкор” ёшлар меҳнат ҳаракати оммалаштирилмоқда.

Бу йил вилоят миқёсида жами 1324 нафар талаба ҳамда уюшмаган ёшлар “Бунёдкор” ёшлар меҳнат ҳаракати фаолиятида иштирок этиш истагини билдирган. Ёшлар қурилиш, таъмирлаш, ободонлаштириш, янги қурилаётган уй-жой объектиларига, қишлоқ хўжалиги ҳамда бошқа соҳаларга жалб этилмоқда.

— Ёшлар меҳнат ҳаракатида фаолият олиб бораётган 185 нафар Тошкент Давлат аграр университети талабаларидан 70 нафари университет биносини капитал таъмирлаш ишларида фаол иштирок этиб келмоқда, — дейди “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати Фаол ва иқтидорли ёшлар билан ишлаш бўлими мудири Зебо Саманова. — Улар уч маҳал иссиқ овқат, кийим-бош, ётоқхона ва ойлик маош билан таъ-

минланган. Бу эса, уларни ёзги мавсумда ҳам моддий, ҳам маънавий жиҳатдан қўллаш имконини бермоқда. Бу ҳаракатда ёшлар юртимизда кечаётган бунёдкорлик ишларида иштирок этиш, ўз мутахассислиги бўйича маълум амалиётни ўташ, тажриба орттириш имкониятига эга бўлишди.



Меҳнат гуруҳларида режа асосида маданий-маърифий тадбирлар, давра сўхбатлари, учрашувлар, мулоқотлар ташкил этилди, фаол аъзолар ўз вақтида муносиб рағбатлантирилиб борилмоқда.

Сайд АКБАРОВ.

СУРАТЛАРДА: “Бунёдкор” ёшлар меҳнат жамоаси иш жараёнида.

Еркебой БОТИРОВ олган суратлар.

Маънавият

Дарҳақиқат, давлатимиз раҳбарининг “Ўзбекистон Республикаси Давлат мустақиллигининг йиғирма уч йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида” Қарори мазмун-моҳиятидан келиб чиққан ҳолда шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш жоизки, мамлакатимизда кейинги йилларда рўй бераётган чучук иқтисодий ва ижтимоий-сиёсий ўзгаришларнинг назарий асослари ҳамда амалий дастури Президентнинг қатор маъруза ва рисолаларида баён қилинган. Уларда давлатимиз олдида турган гоյат муҳим вазифалар – мамлакатни иқтисодий ва ижтимоий ислоҳ қилиш, иқтисодий муносабатларни демократлаштириш, келажак пойдевори бўлмиш юксак маънавиятдан Ватан равнақи йўлида фойдаланиш масалалари кўриб чиқилган.

Республикада демократик-хуқуқий жамият асослари фаол равишда вужудга келтирилмоқда. Кўп партиявийлик, гоёлар ва фикрларнинг хилма-хил

лигига тоқат қилиш реал воқеалик айланмоқда. Ягона мафқуранинг яққа ҳокимлигига барҳам берилди. Умумбашарий кадриятларнинг устуворлиги, чинакам демократия, инсон эркинликлари ва хуқуқларининг бутун дунёдан олган маром ва коидалигига қўшилди.

АНДОЗАСИ ЎЗИМИЗГА МОС

лари тобора кўпроқ қарор топтомоқда. Давлат бошқарувининг янги, замонавий ва самарали тизими шаклланимоқда. Суд ҳокимияти ислоҳ қилинмоқда, у қонуннинг устуворлигини, барча фуқароларнинг қонун олдида тенглигини таъминлаши лозим.

Ўзбек халқининг мустақилликка бўлган интилиши жаҳон ҳамжамияти, халқаро жамоатчилик кўллаб-қувватлади. Дунёдаги 125 мамлакат Ўзбекистоннинг Давлат мустақиллигини тан олдилар. 40 дан зиёд хорижий мамлакатлар билан дипломатия муносабатлари ўрнатилди. Тарихда илк бор, 1992

йилнинг 2 мартда Ўзбекистон халқаро хуқуқнинг тенг хуқуқли субъекти сифатида Бирлашган Миллатлар Ташкилотига қабул қилинди. Республика Европада хавфсизлик ва ҳамкорликка бағишланган Кенгашининг Яқунловчи актини имзолаб, Хельсинки

мийатини барпо этишди. Бу давлатимиз раҳбари томонидан асослаб берилган тадрижий тараққиёт йўлидир. Бу мамлакатда босқичма-босқич, ҳеч қандай ижтимоий ларзасиз, аста-секинлик билан ўтмиш заҳматларини бартараф қилиш, тур-

бош вазирадир. Меҳнатсевар ва бадавлат, маънавий етуқ ва маданиятли оила – шу жамиятнинг асосини ташкил этади. Оила – жамиятнинг негизи. Бизнинг давлатимизни ҳам катта бир оила деб тушуниш мумкин. Бунда ўзаро ҳурмат ва қаттиқ

одамларининг, кўшнларининг омон-эсонлиги ҳақида гапмуҳрилик қилиш биринчи ўринга қўяди. Бу эса, энг олий даражада маънавий кадрят, инсон қалбининг гаҳҳаридир.

Мустақил ўзбек давлати – халқимизнинг тарихий ютуғидир. Ўз давлати билан фахрланиш ва фуқароларнинг ватанпарварлиги жаҳондаги кўпгина мамлакатларни илгор марраларга чиқиб олишида ёрдам берган. Мамлакатимиз тупроғида яшаб турган ва ўзини ватанпарвар деб ҳисоблаган ҳар бир киши унинг яхлитлиги ва бирлигини асраб-авайлаши шарт.

Ҳар бир инсон, айниқса эндигина ҳаётга қадам қўйиб келаётган ёшлар мақсадларга эришиш уларнинг гайрат-шижоати, фидокорлигига ва меҳнатсеварлигига боглик эканини англаб етишлари керак. Худди шу нарса давлатимиз ва халқимиз равнақ топишининг асосий шартидир.

ХУМОНОҚ АЗИМОВ, ЎЗМТДП вилотат ижроия кўмитаси девони етакчи мутахассиси.

Матбуот анжумани

ТАРАҚҚИЁТНИК МУҲИМ ОМИЛИ

Ўзбекистон автомобиль ва дарё транспорти агентлигида жорий йилнинг биринчи ярмида барқарорлашган ишлар якунларига бағишланган матбуот анжумани бўлиб ўтди.

Мустақиллик йилларида Президентимиз Ислам Каримов раҳнаомлигида мамлакатимизда бозор муносабатлари ва автотранспорт хизматлари бозорида соғлом рақобат муҳитини шакллантириш бўйича барча шароитлар яратилгани, йўловчи ва юк ташуш тизимини ривожлантириш изчил давом эттирилаётгани таъкидланди.

Автотранспорт хизматлари бозорида рақобат муҳитини шакллантириш ва барча ташувчиларга тенг шароит яратиш мақсадида вилотат ташуш ҳокимликлари ҳамда агентлик ҳузурдаги идораларга комиссия томонидан йўловчи ташуш йўналишлари очик тендер савдоларини ўтказиш орқали тақсимланмоқда. Чунончи, жорий йилнинг биринчи ярмида ўтказилган 57 очик тендер давомида 530 йўловчи ташуш йўналишлари тақсимланди.

Транспорт корхоналари автопаркинни янгилашга ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Жумладан, шу йилнинг ўтган олти ойи мобайнида Самарқанд автомобиль заводида ишлаб чиқарилган “Исузу” русумли 133 автобус лизинг асосида харид қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Йўл ҳаракати хавфсизлиги бош бошқармаси ва Давлат солик қўмитаси ҳамкорлигида транспортда ташуш соҳасида ноқонуний фаоли-

ят юритаётган субъектларни аниқлаш бўйича рейдлар мунтазам ўтказиб келинмоқда. Ҳисобот даврида ҳамкорликда қарийб 2200 рейд ўтказилди. Тўпланган барча материаллар чора кўриш учун тегишли органларга тақдим этилди.

“Соғлом бола йили” Давлат дастури доирасида ҳам кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда. Тасдиқланган режа асосида кам таъминланган, кўп болали оилалар, меҳнат фахрийларга тенг шароит яратиш мақсадида вилотат ташуш ҳокимликлари ҳамда агентлик ҳузурдаги идораларга комиссия томонидан йўловчи ташуш йўналишлари очик тендер савдоларини ўтказиш орқали тақсимланмоқда. Чунончи, жорий йилнинг биринчи ярмида ўтказилган 57 очик тендер давомида 530 йўловчи ташуш йўналишлари тақсимланди.

Транспорт корхоналари автопаркинни янгилашга ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Жумладан, шу йилнинг ўтган олти ойи мобайнида Самарқанд автомобиль заводида ишлаб чиқарилган “Исузу” русумли 133 автобус лизинг асосида харид қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Йўл ҳаракати хавфсизлиги бош бошқармаси ва Давлат солик қўмитаси ҳамкорлигида транспортда ташуш соҳасида ноқонуний фаоли-

Роман БОНДАРЧУК, Ўза муҳбири.

Ўзбекистон “Маҳалла” ҳайрия жамоат фондидининг 2014 йил биринчи ярмидаги фаолияти якунларига бағишланган кенгайтирилган йиғилиши бўлиб ўтди.

“Маҳалла” ҳайрия жамоат фонди республика бошқаруви раиси А. Аҳмедов бошқарган йиғилишида Президентимиз Ислам Каримов раҳнаомлигида истиқлол йилларида кучли фуқаролик жамияти барпо этиш борасида амалга оширилаётган ислоҳотлар жараёнида маҳалланинг жамият ҳаётидаги мавқеи ва нуфузини юксалтириш масаласига устувор вазифа сифатида эътибор қаратилаётгани таъкидланди.

АҲИЛЛИК, САХОВАТ, ТАРБИЯ КЎРҒОНИ

Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан қабул қилинган фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисидаги қонун ва бошқа хуқуқий ҳужжатлар маҳалла фаолиятининг ташкилий асосларини янада такомиллаштириш, унинг вазифалари қўламини кенгайтиришда муҳим хуқуқий асос бўлмоқда. Фуқаролар йиғинларининг фаолиятини яхшилаш ва ташкилий-хуқуқий асосларини янада мустаҳкамлаш мақсадида шу йилнинг ўтган даври мобайнида “Маҳалла” фонди тузилмалари томонидан кенг қўламли ишлар амалга оширилди.

ёшинг бандлиги таъминланди. Фонд томонидан ижтимоий ёрдамга муҳтож оилаларга доимий гапмуҳрилик кўрсатилмоқда. Меҳрибонлик, Мурувват уйлари тарбияланувчилари, Саховат уйларида истиқомат қилаётган нурунийлар, шунингдек, ижтимоий ҳимояга муҳтож оилалар, ёлғиз кексалар, уруш ва меҳнат фахрийлари, ногиронларга “Маҳалла муруввати” маъсулияти чекланган жамияти томонидан ишлаб чиқарилган кийим-кечак ва бошқа маҳсулотлар тарқатилди.

Маҳаллаларда тўй маросимларини ўтказишда исрофгарчиликка йўл қўймасликка қаратилган 8 мингдан ортик маънавий маърифий тадбир ўтказилди. Ижтимоий муҳофазага муҳтож ёш оилаларнинг никоҳ ҳамда кам таъминланган оилалар фарзандларининг таъминоти тўғрисида маҳалла кенг қўламли ишлар амалга оширилди.

Фуқаролар йиғинларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш мақсадида фонднинг томонидан 421 фуқаролар йиғини компьютер жамланмаси, 488 таси мебель жиҳозлари билан таъминланди. Фонднинг худудий бўлим ва бўлинмалари томонидан 67 фуқаролар йиғини биносини реконструкция қилиб, ўнга яқин бино янгидан қурилди.

Воёга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликлар профилактикасини кучайтиришга оид миллий қонунчиликнинг мазмун-моҳиятини маҳалла аҳли, айниқса, ёшларга кенг тушунтириш мақсадида мунтазам тарзда тарғибот-тушунтириш тадбирлари ўтказилмоқда.

Аҳоли, айниқса, ёшларнинг бандлигини таъминлашга кўмаклашиш мақсадида маҳаллалар худудида 34 мингдан ортик майиший хизмат кўрсатиш шохобчаси очилди, хусусий тадбиркорлик ва оилавий бизнесга кўмаклашиш орқали 42 мингдан зиёд янги иш ўрни яратилди. Жумладан, 24 минг нафардан ортик хотин-қиз ва 16 минг нафардан зиёд

жараёнига қўшилди. Мана шуларнинг ҳаммаси республика тараққиётида мазмунан янги босқични бошлаб берди ва тенг хуқуқли асосларда халқаро, иқтисодий, илмий ва маданий соҳаларда фаол ҳамкорлик қилиш имкониятини очди. Ўзбекистоннинг халқаро миқёсда тан олинаётгани миллий давлатимиз ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий ислохотлар самарасида ўз тараққиёт йўлини белгилаётганидан далолат беради.

Ўзбекистон халқининг муқаррар мақсади битта: мамлакатда демократик-хуқуқий давлат қуриш ва адолатли фуқаролик жамиятини барпо этишди.

ЎЗБЕКИСТОНДА БАНК ТИЗИМИ БАҲАРҚАРОР РИВОЖЛАНМОҚДА

Республика Марказий банкида банк тизимининг 2014 йилнинг ярим йиллигидаги фаолияти якунларига бағишланган кенгайтирилган йиғилиши бўлиб ўтди.

Йиғилишда бугунги кунда Ўзбекистон банк тизими капиталининг етарлилик даражаси 24,6 фоизни ташкил этаётгани, 2014 йилнинг 1 июль ҳолатига кўра, республика миздаги банкларнинг умумий капиталли 6,6 триллион сўмдан ошгани кайд этилди. Мажлис давомида

зимининг ривожланиши истиқболларини “барқарор” деб эълон қилаётгани таъкидланди. Тадбирда мамлакатимиз банк тизими фаолиятининг асосий индикаторлари – “банкларнинг умумий капиталли етарлилиги”, “тижорат банкларининг ликвидлиги”, “депозитлар ҳажмининг динамикаси”, “кредит қўйилмалари ҳажмининг ўзгариши” жорий йил биринчи ярим йиллиги якунлари бўйича юқори

кўрсаткичларни қайд этгани маълум қилинди. 2014 йилнинг биринчи ярим йиллигида молиявий хизматлар таркибида, бевосита банк хизматларининг улуши 88 фоизни ташкил этгани, бу эса 2013 йилнинг шу даврига нисбатан 1,3 баробар баланд экани кайд этилди.

Жорий йилнинг иккинчи ярмида амалга оширилаётган устувор вазифалар белгилаб олинди. “Туркистон-пресс”.

жойларда ветеринария лабораториялари мутахассислари қорамоллари куйдиргига қарши доимий текширувдан ўтказмоқда.

Куйдирги ва бошқа юқумли касалликларнинг олинди олиш борасида санитария-эпидемиология соҳаси ва тиббиёт ходимлари томонидан тизимли ишлар амалга оширилади. Чегара худудларида санитария назорати постларида четдан кириб келаётган фуқаролар тиббий кўриқдан ўтказилмоқда. Тиббиёт ходимларининг бу борадаги билим ва кўникмасини ошириш мақсадида жойларда семинарлар ташкил этилмоқда. Бу жараёнда касалликнинг этиологияси, эпидемиологияси, профилактика ва даволашнинг самарали усуллари юзасидан тахриба алмашилмоқда.

Куйдирги касаллигининг бақтирсиз ташқи муҳитга ўта чидамли бўлиб, олимлар унинг тупроқда кўп йиллар тирик сақланишини аниқлаш, – дейди Республика давлат санитария-эпидемиология назорати

маркази ўта хавфли юқумли касалликлар бўлими мудири Хусан Сапаров. – Шу боис бу касалликка қарши курашиш жаҳон тиббиёти учун долзарб вазифа бўлиб келмоқда. Мамлакатимиз тиббий-илмий муассасалари томонидан бу йўналишда изчил илмий-тадқиқотлар олиб борилмоқда. Изланишлар жараёнида профилактика ва даволаш самардорлигини ошириш, куйдиргининг табиий ўқолари устидан мунтазам лаборатория кузатувини такомиллаштириш бўйича олинаётган янги илмий ҳулосалардан амалда фойдаланилади.

Ҳар қандай касаллик каби куйдиргининг олддини олиш ҳам ҳар бир инсоннинг ўзига боғлиқ. Хонадонларда қорамол парваришда молхоналарни тоза тутиш, турли инфекцияларнинг пайдо бўлишига йўл қўймаслик, дезинфекция, дезинсекция тадбирларини ўтказиш, ҳайвонларни йилга бир марта таба куйдирги касаллигига қарши эмлаш, уларда касаллик аломатлари кузатиладиган дарҳол давлат ветеринария хизмати мутахассисларига мурожаат қилиш лозим. Бозорлар, савдо мажмуаларидан гўшт харид қилишда унга ветеринария-экспертиза лабораторияси мўҳри бошиқлаш ва истеъмолга яроқчилиги юзасидан берилган сертификат мавжудлигига эътибор бериш керак.

Жойларда давлат ва жамоат тузилмалари фаоллари, тиббиёт ва ветеринария мутахассислари ва аҳоли иштирокида ўтказилаётган тарғибот-тушунтириш тадбирларида ушбу масалаларга алоҳида эътибор қаратилади. Юқумли касалликлар тарқалишининг олддини олиш усуллари ва санитария-гигиена метёблари бўйича тушунтириш ишлари олиб берилмоқда.

Бундай изчил тадбирлар юртида хавфли юқумли инфекциялар тарқатиш, жумладан, куйдирги касаллиги бўйича эпидемия ва эпизоотик вазиётини барқарор сақлаш, аҳоли саломатлигини муҳофазада ўз самараларини бераётди.

Баҳор ХИДIROVA, Ўза муҳбири.

ПРОФИЛАКТИКА – БАҲАРҚАРОРЛИК ОМИЛИ

ЭЪЛОНЛАР

“NEW ESTATE ACTION” МЧЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибидан ўтказиладиган очик аукцион савдосига таклиф этади!

Тошкент вилоти Бўстонлик тумани СИБ томонидан, 27.12.2013 йилдаги 2-195/13-сонли ижро варақасига асосан: Тошкент вилоти Бўстонлик тумани, “Янги овул” ҚФЙ худудида жойлашган: бошланғич баҳоси – 192 876 490 сўм бўлган, қурилиш ости участка майдони 1195,11 кв.м., умумий фойдаланиш майдони 468,26 кв.м. бўлган қўй кўра бино ва иншоотлари” ва Тошкент вилоти Бўстонлик тумани, “Думалок” ҚФЙ худудида жойлашган: бошланғич баҳоси – 308 574 465 сўм бўлган, ер участкасининг умумий майдони 0,088 га., қурилиш ости участка майдони 743,86 кв.м., умумий фойдаланиш майдони 925,86 кв.м. бўлган Феруза номи тўйхона гузаро бино ва иншоотлари савдога қўйилмоқда. Аукцион савдоси 2014 йил 4 сентябрь кунини соат 12:00

Тошкент вилоти Бўстонлик тумани СИБ томонидан, 17.07.2013 йилдаги 4290-сонли ижро ишига асосан: Тошкент вилоти Бўстонлик тумани, “Янги овул” ҚФЙ худудида жойлашган: бошланғич баҳоси – 700 000 000 сўм бўлган, участканинг умумий майдони 11,29 га, умумий қурилиш ости майдони 3869,95 кв.м. бўлган султ товар фермаси бино ва иншоотлари савдога қўйилмоқда. Тошкент вилоти Қибрай тумани СИБ томонидан йилдаги 12427/9-сонли ижро ҳужжатига асосан: Тошкент вилоти Қибрай тумани, “Оққовок” МФЙ Оққовоқта кўчаси маъназида жойлашган: бошланғич баҳоси – 100 000 000 сўм бўлган, умумий майдони 900,0 кв.м. бўлган қурилиши тугалланмаган тураржой бино ва иншоотлари савдога қўйилмоқда. Аукцион савдоси 2014 йил 4 сентябрь кунини соат 12:00

Утерьяннуо круглую печать ООО “GOLDEN VAY” (ИНН 204213121) Шайхантахурского района г. Ташкента, СЧИТАТЬ НЕДЕЙСТВИТЕЛЬНЫМ.

Тошкент шаҳар, Олмазор тумани ТРҲИ томонидан 2014 йил 22 июлдаги 007595-05 реестр рақами билан рўйхатга олинган “NORTH LIGHT” масъулияти чекланган жамияти, Тошкент шаҳар, Шайхонтохур тумани ТРҲИ томонидан 2009 йил 18 ноябрдаги 003745-09 реестр рақами билан рўйхатга олинган “TIG PLUS BUSINESS” масъулияти чекланган жамиятини ўз савдига бириштириб олишини маълум қилади. “NORTH LIGHT” масъулияти чекланган жамияти “TIG PLUS BUSINESS” масъулияти чекланган жамиятининг хуқуқий вориши ҳисобланади.

5 йил 5 сентябрь кунини соат 12:00 да ўтказилади.

Аукцион савдоларида иштирок этиш учун таъабгорлардан аризаларни қабул қилиш, аукцион бошланғичидан, бир кун олдин тўхтади.

Аукцион савдоларида катнашиш учун таъабгорлар савдо ташкилотчаси билан тузилган закалат келишувга асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини “NEW ESTATE ACTION” МЧЖнинг ОАИТЕ “Ипак йўли” Миробод филиалидаги қўйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000104995394001, МФО 01101, ИНН 302373151. Аукцион савдоси ўтказиладиган манзил: Тошкент шаҳри, Яқкасарой тумани, М.Таробий кўчаси, 31-уй. Тел.: 254-69-13. Лицензия: RR-0148.

Тошкент вилоти ҳокимлигининг Йўловчи транспортининг барча турлари ҳаракатини лицензиялаш ва мувофиқлаштириш Департаментини

“Тошкент вилоти худудида шаҳар ва шаҳар атрофида йўловчиларни ташуш фаолиятини лицензиялаш бўйича комиссияси”нинг 2014 йил 25 июлдаги 27-сонли Баённомаси қарори билан:

1. Ўзбекистон Республикасининг “Фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тўғрисида”ги қонунининг 23-моддасига асосан,

1.1 “MAQSUDJON” масъулияти чекланган жамиятига Тошкент вилоти худудида йўловчиларни шаҳарда энгил автомобилларда ташуш фаолиятини амалга ошириш хуқуқи учун берилган АТ серияли 000831 рақамли, Тошкент вилоти худудида йўловчиларни шаҳар атрофида энгил автомобилларда ташуш фаолиятини амалга ошириш хуқуқи учун берилган АТ серияли 000741 рақамли лицензияни амал қилиш мuddати тугатилди.

1.2 “XOLIS NIYAT SERVIS” масъулияти чекланган жамиятига Тошкент вилоти худудида йўловчиларни шаҳар атрофида энгил автомобилларда ташуш фаолиятини амалга ошириш хуқуқи учун берилган АТ серияли 000793 рақамли, Тошкент вилоти худудида йўловчиларни шаҳар атрофида энгил автомобилларда ташуш фаолиятини амалга ошириш хуқуқи учун берилган АТ серияли 000794 рақамли лицензияларни амал қилиш мuddати тугатилди.

1.3 “ELBEK AZIYA TRANS” масъулияти чекланган жамиятига Тошкент вилоти худудида йўловчиларни шаҳар атрофида автобусларда ташуш фаолиятини амалга ошириш хуқуқи учун берилган АТ серияли 000793 рақамли, Тошкент вилоти худудида йўловчиларни шаҳар атрофида энгил автомобилларда ташуш фаолиятини амалга ошириш хуқуқи учун берилган АТ серияли 000794 рақамли лицензияларни амал қилиш мuddати тугатилди.

1.4 “PULAT NURONIY” Хусусий корхонасига Тошкент вилоти худудида йўловчиларни шаҳар атрофида энгил автомобилларда ташуш фаолиятини амалга ошириш хуқуқи учун берилган АТ серияли 000716 рақамли лицензияни амал қилиши 2014 йил 25 июлдан бошлаб тикланди.

1.5 “ROZIMAXAMAD BAXTIYOR TRANS” масъулияти чекланган жамиятига Тошкент вилоти худудида йўловчиларни шаҳар атрофида энгил автомобилларда ташуш фаолиятини амалга ошириш хуқуқи учун берилган АТ серияли 000335 рақамли лицензияни амал қилиши 2014 йил 25 июлдан бошлаб тикланди.

ООО “LIDER LIZING” сообшчаёт об уменьшения уставного фонда с 20.000.000,00 сум до фактически сформированного 3.600.000,00 сум. Претензии принимаются в течение месяца со дня публикации по телефону: (90) 320-00-64.

ОБ-ҲАВО МАЪЛУМОТИ

Республика Гидрометеорология марказининг хабар беришича, 30 июль кунини Тошкентда ҳаво бироз булутли бўлади, вақти-вақти билан ўзгариб туради, ёгингарчилик бўлмайди. Шарқдан секундида 5-10 метр тезликда шамол эсади. Кечаси 13-15, кундузи 29-31 даража иссиқ бўлади.

Тошкент вилотида ҳаво бироз булутли бўлади, баъзи жойларда ўзгариб туради, ёгингарчилик бўлмайди. Шарқдан секундида 7-12 метр тезликда шамол эсади. Кечаси 13-18, кундузи 29-34 даража иссиқ бўлади.

Республикамизнинг тоғли худудларида ҳаво бироз булутли бўлади, баъзи жойларда ўзгариб туради, ёгингарчилик бўлмайди. Шарқдан секундида 7-12 метр тезликда шамол эсади. Кечаси 10-15, кундузи 17-22 даража иссиқ бўлади.

